



# XXI ASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 8 ноябрь, пайшанба, 45 (469)-сон



**СУРХОНДАРЁДА**  
хосилдорлик  
30 минг тоннага ошди

**3** БУНЁДКОРЛИК



**Куйи бугун катта**  
мақсадлар сари  
интиломқда

**5** БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ  
ТАШКИЛОТЛАРИДА



**Туризм жаҳон**  
микёсида биринчи  
ўринга кўтарилиб олди

**7** ХАЛҚАРО ХАЁТ

**«Аёллар қаноти»**



**ҲАР ҚАНДАЙ**  
ФАОЛИЯТ  
ҚОНУНИ  
БИЛИШ ВА  
УНГА АМАЛ  
ҚИЛИШДАН  
БОШЛАНАДИ

ёки O'zLiDeP Хоразм  
вилоят кенгаши  
«Аёллар қаноти»нинг  
ўтган 9 ойлик  
фаолияти хусусида

Маълумки, хотин-қизларнинг сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг жамиятдаги роли ва маъқулини кучайтириш ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш O'zLiDeP Низомида асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган. Айни пайтда «Аёллар қаноти» томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам ана шу мақсадга қаратилмоқда.

3 >>>

**Таълим тизими**



**НАВОИЙЛИК**  
ЎҚУВЧИЛАРГА  
1776 ТА  
НОУТБУК  
ТОПШИРИЛДИ

Навоий вилоятининг Хатирчи, Конидах, Нурота ва Учқудуқ туманларидаги умумтаълим мактабларига 1776 та янги ноутбук олиб келинди. Мактабларни дарслик ва услубий кўлачлар билан таъминлашга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида мактаб таълимини ривожлантириш» лойиҳаси асосида вилоят мактабларига, шунингдек, турли адабиётлар, мусика асбоблари ва хариталар ҳам топширилди. Мазкур лойиҳанинг иккинчи босқичида эса таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, мактаб таълими сифатининг яхшиланиши ва ўқитиш самарадорлигини ошириш масалалари камраб олинган.

**Ислоҳот**

## Тараққиётнинг «ўзбек модели»

**ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС МОДЕЛИ ВА УНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ БУГУН БАРЧА СОҲАЛАРДА АМАЛИЙ САМАРА БЕРМОҚДА**

Шу асосда ишлаб чиқилган, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашга қаратилган тадрийжий дастурни изчил амалга ошириш натижа-сида жаҳон молиявий-иқтисодий ин-қирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камай-тиришга эришилди. Пухта ўйланган пул-кредит ҳамда солиқ сиёсати, ин-қирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирлар, экспорт ҳажмининг муттасил ошиб бориши, ташқи савдо ва тўлов балансларининг мустаҳкам-ланиши, ташқи савдо баланснинг ижобий салдоси ҳамда олтин-валюта захираси кўпайиб бораётгани ҳам тараққиётга кенг йўл очмоқда. 2012 йил-нинг 9 ойи мобайнида ялпи ички маҳ-сулот ҳажмининг ўсиши 8,2 фоизни ташкил этгани ушбу фикрларга мисол бўлиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг тўққиз ойлик яқунларига бағишланган маж-лисида давлатимиз раҳбари томони-дан белгилаб берилган беш устувор тамойил ислоҳотлар самарадорлиги-нинг асосий гарови бўлаётгани яна

бир қарра таъкидланди. Хусусан, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликнинг аҳамияти ошиб бораётган-лиги соҳада янгидан-янги ютуқларга эришиш имконини бермоқда. Айни кунга келиб республика ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 54 фоизга етгани, иш билан банд аҳолининг 75,1 фоизи иқтисодиёт тар-моқларида меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Бугун жойларда қулай ишбилар-монлик муҳитини яратиш, кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорликни яна-да ривожлантириш учун барча имко-ниятлар яратилган, бир қатор қону-лар, фармон ва қарорлар қабул қилинган. Хусусан, «Мамлакатимиз-да демократик ислоҳотларни чуқур-лаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асо-сида қабул қилинаётган ҳужжатлар кичик бизнеснинг мавқеи ва кўлами-ни янада кенгайтиришга хизмат қи-лаётир.

2 >>>

**Фармон ва ижро**

## Фермерлик ҳаракатига янада кенг йўл очилди

«ҚўЛГА КИРИТИЛГАН БУ ЮТУҚ ЗАМИРИДА ЯНА БИР АСОСИЙ МЕЗОН СИФАТИДА ТАРАҚҚИЙ ТОПГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ЎЗИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ОҚЛАГАН ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИГА ЎТИШ, БУ СОҲАНИНГ РИВОЖИ УЧУН БАРЧА ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРГАН КАТТА-КАТТА ИШЛАРИМИЗ МУЖАССАМ...»

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон пахтакор-лари ва барча меҳнат-кашларига йўллаган самимий табригидаги ана шу жумлалар дав-латимиз раҳбарининг жаҳон молиявий ин-қирозини бартараф этишга бағишланган дастурий асаридagi асосий назарий қондаларга нечоғлик ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, 2008 йилдан бери дунёнинг қатор мам-лакатларида рўй берган ва бутунга келиб ҳам асорат-лари сақланиб қолаётган иқтисодий таназул ту-файли минглаб тадбир-корлар ва фермерлар фа-



олипти издан чиқиб, истеъмол бозоридagi ўринларини йўқот-дилар. Натижада кўплаб мин-тақаларда озик-овқат танқис-лиги юзга келди.

Ўзбекистонда эса аксин-ча, қишлоқ мулкдорлари жамиятининг энг фаол локо-

3 >>>



## Фракция Концепция талабларига қатъий амал қилмоқда

O'ZLIDER ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2012 ЙИЛ 18 ИЮЛДАГИ «ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Маълумки, тадбиркорликка кенг эркинлик беришни назарда тутувчи ушбу фармонда жорий йилнинг 1 августидан бошлаб тадбиркорлар учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ чора-тадбир-лар амалга оширилиши кўзда тутил-ган. Хусусан, фаолиятини бошлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишда ҳў-жа-лик юритувчи субъектларнинг (кре-

лит ташкилотлари бундан мустасно) устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маблағнинг бир қисми-ни олдиндан тўлаш лозимлиги тўғрисидаги талаб бекор қилинди. Аммо бунда устав фондини ҳўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтганидан кейин бир йил давомида шакллантириш мажбурияти сақла-ниб қолади.

— Шу муносабат билан «Масъу-лияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»-ги қонуннинг 14-моддасига мазкур талабларни акс эттирувчи ўзгариш-лар киритилаяпти, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Маъ-руф Усмонов.

2 >>>

**Акс-садо**

## Либераллаштириш ва модернизация жараёнлари самараси

БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ХОЛИС ВА ШАФФОФ АХБОРОТГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ КЕСКИН ОШИРИБ, ДУНЁ МИКЁСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ УРНИ ВА РОЛИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДЕК ДОЛЗАРБ МАСАЛАНИ КҮН ТАРТИБИГА ҚЎЙМОҚДА

Чунки ер қуррасида инсон потенциалининг муттасил ўсиб бориши, экологик мувозанат-нинг бузилиши оқиб-атида юзга келган гло-бал миқёсдаги муам-лолар ер-сув, нефть-газ захиралари, муқобил энергия манбалари ва сифатли озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ҳар қачонгидан ҳам ошириб юбор-ди. Бу жараёнда азалий мақсадли дунёга ҳўк-ронлик қилишга қаратилган сиёсий куч-лар турли усул ва воси-талар билан бошқа дав-латларнинг ички ишла-рига аралашиб орқали арзон ишчи кучига,

ўзга мамлакатларнинг ер усти ва ер ости бойликла-рига эгаллик қилишга инти-ла бошладилар. Таҳлилчи-ларнинг фикрича, бу ри-вожланаётган давлатлар-нинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўмакла-шиш, умуминсоний де-мократик тамойилларни қарор топтириш никоби остида ёшлар онгига таъ-

сир ўтказиш, уларни тур-ли йўллар билан ўз мақсад-лари сари бўйсундириш орқали амалга оширилмоқ-да.

2 >>>

**БУГУНГИ СОНДА**

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ЮТУҚЛАРИ

Самарқанд шаҳрида 2009 йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тадбиркорлик субъектларининг улуши 17,8 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 37,1 фоизга етди.



# ПАРЛАМЕНТДА

## Тараққиётнинг «ўзбек модели»

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀



**Бахтиёр ИМИНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси

Мисолларга мурожаат этайлик. Биргина жорий йилнинг ўзида соҳага оид 80 та рухсат бериш тартиб-таомиллари, 15 та лицензияланадиган фаолият турлари бекор қилинди. Молиявий ҳисобот-

ларни тақдим этишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баронга қисқартирилди. Натижада ишбилармонлар сафи кенгайиб, ички бозорларимиз рақобатбардош маҳсулотлар билан бойимокда. Утган тўққиз

ой давомида республикамызда 18,4 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилгани ҳам ушбу соҳанинг келажагига бўлган ишонч охири бораётганини кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида муҳокама этилган масалалар ва белгилаб берилган вазифалар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаши ўз-ўзидан маълум, албатта. Бу, аввало, хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ишончли кафолатларини таъминлаш, ўрта синф вакиллари учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ва шу асосда аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш вазифаларини рўйга чиқариш билан боғлиқдир. Қўзланган мақсадларга эришиш учун парламентнинг назорат функцияларидан самарали фойдаланиш, қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

### ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА БОШҚА СОҲАЛАР ҚАТОРИ АВТОМОБИЛСОЗЛИК, МЕТАЛЛУРГИЯ, КИМЁ ВА ЕНГИЛ САНОАТ СОҲАСИДА ҲАМ САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Мазкур жараёнда хусусий секторнинг жадал ривожланиши, аграр соҳанинг, айниқса, фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши ижобий таъсир кўрсатди, албатта. Бунда, айниқса, мамлакат санаятини қайта обҳақ турғазини мақсадида амалга оширилган кенг қўламли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бугун тармоқнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 24,1 фоизга етганини ана шундай изчил ишлар натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Энг муҳими, санаят маҳсулотини умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этаётти. Жорий йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимизда экспорт ҳажми ўтган

йилнинг шу даврига нисбатан 12,4 фоизга кўпайиб, санаят соҳасида 7,2 фоиз ўсишга эришилди. Бу Юртбошимиз ташаббуси билан санаят тармоқларини ривожлантириш, қулай инвестициявий муҳит яратиш, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар самараси, албатта.

Санаятни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришнинг ўзлаштириш бўйича қабул қилинган давлат дастурларининг самарали ва аниқ бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси



**Собир ЖАББОРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Санаят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси

аъзоларидан ҳам алоҳида масъулият талаб этади. Бунда, энг аввало, ҳўжалик бирлашмалари, йирик қорхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳўқимият органлари раҳбарлари зиммасидаги вазифаларнинг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш учун парламент эшитувлари сонини кўпайтиришимиз лозим. Бугун дунёда мамлакатлар тараққиёти уларнинг санаяти

нечоғли раванқ топгани билан қийсланаётганини ҳисобга олсак, бу борадаги ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз кераклиги аён бўлади. Негаки, санаятни ривожлантириш, биринчи гада, бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшиша, иккинчидан, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

## Либераллаштириш ва модернизация жараёнлари самараси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Қахрамон САЙДАЛИЕВ**

Афсуски, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари кучидан фойдаланиш, интернет имкониятларини ишга солиш орқали эришилаётгани ҳам бор гап.

Ана шундай хуружлар глобаллашув жараёнларининг иштирокчиси сифатида юртимизни ҳам четлаб ўтмайпти. Бирок истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳам юксалтириш иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан бири сифатида танлаб олинди.

Ана шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартлари даражасига етказиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда ушбу соҳада қўлга киритилган улкан муваффақиятларни нафақат халқимиз, балки хорижий давлатларнинг эксперт ва мутахассислари ҳам алоҳида эътироф этишяпти. Хусусан, яқинда Озарбайжон Республикасининг «Право выбора» газетасида Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаевнинг шу мазмундаги мақоласи чоп этилди. Унда таъкидланганича, яратиб берилаётган ҳўқуқий кафолатлар ва шарт-шароитлар

самараси ўлароқ, юртимиздаги оммавий ахборот воситалари сони қарийб 1254 тага етди. Кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситалари сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробарга ошди. Мавжуд босма нашрларнинг 60 фоизи, телеканалларнинг 53 фоизга яқини, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат ОАВ ҳиссасига тўғри келаёттир. Мақолада эътироф этилишича, мустақиллигининг дастлабки йилларида бор-йўғи тўққизта босма-полиграфия нашриётлари мавжуд бўлса, бугун улар сони 104 тага етди.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби бу соҳада ҳам ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни такомиллаштириш бориш талаб этилади. Шу ўринда ўтган йилларда мамлакатимиз парламенти томонидан ОАВ фаолиятини қўллаб-қувватлаш, жамоатчиликни давлат ҳўқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида хабардор қилишга қаратилган мустаҳкам қўнунчилик базаси яратилганини таъкидлаш жоиз. Бу, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «ҳар кимнинг ахборотини монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш ҳамда ундан эркин фойдаланиш ҳўқуқига эга» эканлиги тўғрисидаги меъёр билан мустаҳкамлаб қўйилди. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қўнунларда эса бу меъёр янада кенг-



роқ очиб берилди. Шунингдек, давлат ҳўқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан ҳар кимнинг эркин фойдаланишини таъминлаш борасида ҳам барча ташкилий-ҳўқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги сиёсий модернизация жараёнлари, демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичи эса оммавий ахборот воситаларининг мавқени янада мустаҳкамлаш, бозор муносабатлари шароитида иқтисодий барқарорлигини ошириш, шунингдек, ОАВ билан давлат ҳўқимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳўқуқий асосларини янада таркомиллаштиришни талаб этамоқда. Бу борада Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да соҳадаги муносабатларни тартибга солишчи 4 та янги қўнунни қабул қилиш ва амалдаги қўнунчи-

ликка ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди. Айни кунда эса Концепцияда белгиланган вазифаларни ҳаётга чўқурроқ татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир мисол: жорий йилнинг 1 ноябрдан бошлаб ҳўкумат қарори асосида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибларига ўзгартиришлар киритилди. ОАВларни рўйхатдан ўтказиш учун давлат божини икки баробар камайтирилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ахборот соҳасини ислох қилиш ва аҳолининг сифатли ахборотга бўлган талабини қондириш ўзининг тобора янги босқичга кўтарилмоқда. Муаллиф бу борадаги ислохотлар моҳиятини аниқ далиллар асосида очиб берганки, мақола билан танишган ҳар қандай инсон Ўзбекистонда либераллаштириш ва модернизация жараёнлари ҳар жабҳада тиносбатларни тартибга солишчи 4 та янги қўнунни қабул қилиш ва амалдаги қўнунчи-

## Фракция Концепция талабларига қатъий амал қилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Озод РАЖАБОВ,**  
«XXI ASR»


— Шунингдек, шартнома шартларининг бажарилиши учун акциядорлик жамиятларининг манфаатдорлик битимлари тўғрисидаги ва бошқа муҳим ахборотларни қимматли қўғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг сайтга жойлаштириши мажбурийлигини ҳўқуқий асослаш мақсадида «Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида»ги қўнуннинг 39-моддасига тегишли қўшимчалар киритилмоқда.

— Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси О'зЛиДеР дастури ва партиянинг Сайловлиди платформасида белгилаб олинган масалалар ва электротар манфаатларига тўла мос келгани учун ҳам уни фракция аъзолари тўла қўллаб-қувватладилар, — дейди фракция аъзоси Фахриддин Зоиров. — Унда белгиланаётган нормалар қаторида Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартиришлар ҳам киритилапти. Хусусан, Жиноят кодексининг 41-моддасини бешинчи қисм билан тўлдириш, яъни шартномага мувофиқ банк ва бошқа молия муассасалари ходимларининг хизмат кўрсатиш, кредитлар бериш бўйича ҳаракати мазкур шартнома тижорат таваккалчилиги оқибатида ҳўжалик юритувчи субъект томонидан бажарилмай қолган тақдирда жиноят ҳисобланмаслиги кўрсатиб ўтилаётгани ушбу қўнун лойиҳасининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Фракция аъзолари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида ишлаб чиқилган «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳақида уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар. О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Қўблжон Тошматовнинг таъкидлашича, ушбу қўнун молия тизимини янада ривожлантириш, хусусий банклар, лизинг ҳамда суғурта компаниялари, микрокредит ташкилотлари фаолиятининг ҳўқуқий асосларини яратиш орқали хусусий капитал иштирокини оширишни таъминлашда жуда катта аҳамият касб этади. Бундай чора-тадбирлар банк-молия хизматлари бозорига рақобатни кучайтириш, халқаро стандартларга мос замонавий инфратузилмани шакллантиришга ҳам қулай шароит яратади.

Шу ўринда мазкур қўнун лойиҳасида хусусий банклар ва бошқа молия институтларини ташкил этиш ҳамда текшириш тартибининг ўзига хос хусусиятлари аниқ белгиланаётганини таъкидлаш жоиз.

Ингилишида «Микромолиялаш соҳасининг янада таркомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқ-



арорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсатишга эриштириш, устувор йўналишлари тўғрисида»ги

тиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қўнун қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қўнун ҳўжатларига ўзгар-

Қўнуннинг 39-моддасига асосан, назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишининг бошланиши ҳақида қамида ўттиз кун олдин тадбиркорлик субъектини текширув предметини кўрсатган ҳолда хабардор қилиши шарт.

қарори асосида ишлаб чиқилган қўнун лойиҳасининг асосий мақсади микромолиялаш соҳасидаги қўнун ҳўжатларини янада таркомиллаштириш ва микрокредит ташкилотлари тизимини ривожлантиришдан иборат.

— Микромолиявий хизматлардан фойдаланиб қарз олувчилар, яъни истемолчиларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида «Микромолиялаш тўғрисида»ги қўнунга аниқлаштирувчи норма киритилмоқда, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шавкат Тешаев. — Унга қўра, буюртма берувчининг ҳўқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида мазкур ташкилотлар буюртма берувчига ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни ёзма равишда тақдим қилишлари шартлиги белгиланапти. Бундан ташқари, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларга улар томонидан ажратиладиган кредитларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, жумладан, номинал фойз ставкаси, комисион ҳақ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи эффектив фойз ставкаси ҳақида буюртмачига ахборот берилиши юзасидан қўшимча мажбурият юклатилмоқда.

Ушбу қўнунга киритилиши тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан микрокредит ташкилотлари учун мажбурий иқтисодий меъёрларни ўрнатиш ҳам назарда тутилмоқда.

Қўнун лойиҳасига киритилган асосий қўшимчалардан бири бу — микрокредит ташкилотлари миқозлари ва кредитларининг ҳисоб рақамлари ҳамда операцияларига нисбатан банк сири нормаларини татбиқ этишдан иборат.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунига ўзгар-

тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

— Маълумки, янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қўнунда тадбиркорлик субъектларини текшириш чеклаш назарда тутилган, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Равиль Собиржонов. — Хусусан, қўнуннинг 39-моддасига қўра, тадбиркорлик субъекти белгиланган тартибда тақдим этган молия ва солиқ ҳисоботи, тадбиркорлик фаолияти тўғрисида мавжуд бўлган бошқа ҳўжатларни ўрганиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижалари бўйича қондабузарликлар аниқлангандагина давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Шунингдек, қўнуннинг 39-моддасига асосан, назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишининг бошланиши ҳақида қамида ўттиз кун олдин тадбиркорлик субъектини текширув предметини кўрсатган ҳолда хабардор қилиши шарт.

Бундан ташқари, тадбиркорлик бирлашмаларининг аъзоси бўлган субъектлар фаолиятини текшириш тадбиркорлик субъекти сўровига қўра мазкур бирлашмалар вакилларининг иштирокида қўнуннинг айтиб ўтилган моддасида назарда тутилган нормага мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қўнунга ва Солиқ кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф қилинмоқда.

Фракция йиғилишида муҳокама қилинган қўнун лойиҳаларини маълумлаш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ФАРМОН ВА ИЖРО

## Фермерлик ҳаракатига янада кенг йўл очилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Янгибой КҲҚОРОВ,  
«XXI ASR»

— Биз қишлоқ ҳўжалигини жадал ривожлантиришнинг янги босқичига қадам қўйдик, — дейди Богот туманидаги «Богот» фермер ҳўжалиги раҳбари Шарифбой Ражабов. — Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ана шу босқични бошлаб берди. Мазкур фармон фермерга иқтисодий мустақиллик бериш, ўз ишини ўзи ташкил этишига кенг-роқ имкон яратиш, тармоқни етарлича мувофиқлаштира олмаган Фермер ҳўжаликлари уюшмаси ўрнида қишлоқ равнақига ҳар жиҳатдан маъсул этиб белгилаётган Фермерлар кенгашини тузиш уларнинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш механизмини мустаҳкамлайди, албатта. Айниқса, ер ажратишдек нозик масалада ушбу кенгашга кенг ваколатлар берилаётгани нур устига аъло нур бўлди.

Айни пайтда Хоразм вилоятининг Богот туманида ҳам аграр соҳа изчил юксалапти. Агар 2010 йили туманда жами 94 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 112 миллиард сўмга етди. Бугун тумандаги 490 та фермер ҳўжалигига 18500 гектар ер ажратиб берилган. Улар 2011 йили 20278 тонна пахта, 220 тонна пилла, 368 тонна гўшт, 1980 тонна сўт, 17 минг тонна бугдой этиштирилди. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига жами 104,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳам юксак ўсиш суръатларини кўрсатиб турибди. Фермер ҳўжаликларининг барчаси зарур техник воситалар билан таъминланган.

Бугун боғотлик фермерлар янги лойиҳалар асосида қад ростлаган ши-



нам уйларида истиқомат қилмоқдалар. Биргина «Хўжалик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 90 та оила ана шундай шинам уйларида ҳовли тўйлари ўтказди. Маҳаллага «Янги қадам» деб ном берилгани эса янги аср, янги турмуш, янги иқтисодий муносабатлар сари ташланган навбатдаги қадам, демаскидир.

— Туманимиздаги 4 та қўшма корхона пахта хом ашёсини қайта ишламоқда, — дейди «Еқуббобо ўғли Омон» фермер ҳўжалиги раиси Пўлат Матниёзов. — Аллоҳнинг марҳамати билан бу йил дарёда ҳам сув мўл бўлди. Ҳўжалигимиз аъзолари пахтадан 49, бугдойдан 51 центнердан ҳосил кўтардилар. Энди янада юқори марраларни кўзлабимиз. Бунда Президентимизнинг

«Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлишига шубҳа йўқ. Ана шу муҳим ҳўжат билан танишиб, галдаги фаолиятимиз янада самарали бўлади, бутун мамлакат иқтисоди янада юксалади, деган ҳулосага келимиз.

Шу ўринда Боготда фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг мақбул механизми яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, кейинги бир йил мўбайида «Хитой» қишлоғидан «Усмонбек Қудратжон», «Хўжалик» қишлоғидан «Фарруҳ Фарҳод», «Дехқонбозор» қишлоғидан «Нурмат Қўшоқ», «Хулжорли Мунис-

бек», «Найман» қишлоғидан «Қодир Х.Ф.» фермер ҳўжаликлари чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳалар учун кредит маблағлари олиб, янги иш ўринлари яратиш, уларга касб-хўнара коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича салмоқли ишларни амалга оширишди.

Ҳулоса қилиб айтганда, она юртимизнинг ҳар бир гўшасида саноат, капитал қурилиш, сервис ва бошқа соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалиги ҳам изчил ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса бу йўлдаги собит қадамларга кенг йўл очиб беради.

### «Аёллар қаноти»

## Ҳар қандай фаолият қонунни билиш ва унга амал қилишдан бошланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Наргиза КАҲҚОРОВА,  
Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,  
«XXI ASR»

О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши маълумотларига қараганда, айни пайтда ҳудудда 11 миңдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти бўлиб, уларнинг 1094 тасига О'zLiDeP аъзоси бўлган фермер ва тадбиркор аёллар етакчилиги қилинапти. Электротар вақтлари орасида хотин-қизлар сони ортиб бораётгани вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жараёнида аёллар ва ёшларга устуворлик берилаётгани натижаси ҳамдир.

Таъкидчилар бунда «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белги-ланган вазифалар ижросини таъминлаш, хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида улар иштирокчини кенгайтиришга қаратилган эътибор муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидламоқдалар.

Шу ўринда «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирлар орасида «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасидаги семинарлар алоҳида ўрин тутаётганини айтиш лозим. Мазкур лойиҳа доирасидаги ўқув машғулотлари якунида тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар ҳисобига жойларда 108 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

— Жойларда оилавий тадбиркорликни тарғиб этиш ва ривожлантириш мақсадида катта эътибор қаратилмоқда, — дейди «Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мақенини ошириш бўлими» муdiri Рухида Машарипова. — Жумладан, барча туманларда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга қаратилган учрашувлар ташкил этилиб, уларда оилавий корхоналар фаолияти ҳақида кенг маълумотлар берилади. Зеро, ҳар қандай фаолиятимиз, энг аввало, қонунлар билан боғлиқ эканини ола-сингилларимиз тушуниб етмоқдалар.

Хусусан, «Шовот-қалпа» машиий хизмат касб-хўнара коллежиди ташкил этилган «2012 йилда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг иктымий-иқтисодий аҳамияти ва зарурати» мавзусидаги учрашува ҳам асосий эътибор парламент кўйи палатасида муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларига қаратилди.

Хива ва Урганч туманларида уюштирилган ўқув-семинарларда эса аёллар бандлигини таъминлаш, қишлоқларда касаначиликни ривожлантириш, тадбиркорлик учун кредит олиш шарт-шароитлари муҳокама қилиниб, тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

«Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари: маҳаллий ва хорижий тажриба»га бағишланган давра суҳбатиди

ҳам тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва оилавий тадбиркорлик борасидаги қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳусусида кенг маълумот беришди. Богот ва Хонқа туманлари ҳўжалиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирларда оилавий бизнесни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни кўчатириш, вақтинча ишсиз юрган аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, касаначилик, оилавий бизнес асослари, хунарманчилик ва бошқа зарур касбларга ўқитиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

— «Шоҳжаҳон Машҳура» хусусий корхонасини ташкил этиб, тикувчилик цехи очиб мақсадида бизнес-режа тузданим, — дейди Хонқа туманидаги «Саодат» фермер ҳўжалиги раҳбари Назира Бекжанова. — Лойиҳада ғолиб чиққан, «Микрокредитбанк»дан 10 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олдим. Ҳозирда Хонқабод шаҳарасида ташкил этилган тикувчилик цехида 10 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Бугунга келиб эса фермер ҳўжалигимизни ривожлантириш учун лойиҳа қиймати 50 млн. сўмга тенг бизнес-режа билан қатнашялган. Агар мақсадимиз амалга осса, яна ўнлаб ёш йигит-қизларни иш билан таъминлашга эришамиз.

Таъкидлаш керак, вилоятнинг барча туманларида мазкур лойиҳа доирасида ўқув-семинар ва давра суҳбатлари, учрашувлар, тадбиркор ва хунарманд аёллар қўли меҳнати намуналарининг кўргазмалари ҳам ташкил этилмоқда. Уларда «Аёллар қаноти» томонидан жойларда ёш фермерлар ва тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини таҳлил этиш, шунингдек, етакчилик қобилиятига эга ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасидаги хотин-қизларга қўмақлаштириш зарурлигини алоҳида эътибор қаратилляпти.

Хусусан, Урганч туманида «Оилавий бизнесни ривожлантириш — аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омил» мавзусидаги давра суҳбати ва «Бизнес-режа тузиш ва уни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш» мавзусидаги семинарларда бошланғич сармояни шакллантириш ва айланма маблағларни тўлдирish учун етакчи тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар ва соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи янги қонунлар муҳокама қилинди.

Шу ўринда Хоразм вилоятида О'zLiDePнинг «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси ҳам кенг қўллаб-қувватлаётганини таъкидлаш мумкин. Жумладан, Хива туманида ўтказилган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда маҳалла институтининг роли ва аҳамияти» мавзусидаги давра суҳбатиди аёллар саломатлигини, оилалар мустаҳкамлиги ва фарзандлар тарбияси ҳусусида фикр юритилиб, оила ва никоҳ билан боғлиқ муаммолар, хусусан, қизларни эрта турмушга узатиш ва қариндош-урулар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларига муносабат билдирилди.

Хулоса ўринда шуни айтиш керакки, О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгашидаги «Аёллар қаноти» хотин-қизлар орасида партия ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этиш баробарида уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, жамиятда ўз муносиб ўринларини топишлари учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда.

## Фармон ижроси таъминланишидан, энг аввало, биз манфаатдормиз

О'ZLIDER ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ФАОЛЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲУДУДДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН 6 МИНГДАН ЗИЁД ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БУТУНЛАЙ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Зиёдулла МҲМИНОВ,  
«XXI ASR»

— Айни пайтда вилоятдаги 11 миңдан ортқ О'zLiDeP аъзосининг асосий қисмини тадбиркор ва фермерлар ташкил этиди, — дейди О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Файзиёв. — Фермерларимизнинг эса салкам 80 фоизи партия аъзолари бўлиб, 530 дан ортқ бошланғич ташкилотнинг ҳарийб 100 га яқини ҳам айнан фермер ҳўжаликларида ташкил этилган.

Тан олиш керак: бугунги фермер кечаяк қишлоқ мулкдоридан иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий билими, дунёқараш ва, албатта, тажрибаси билан ҳам фарқ қилади. Уларда янгиликка интилиш, илғор технологияларни тармоққа жалб этиш салоҳияти жуда юқори.

Бугун қишлоқ мулкдорлари ихтиёрида етакчи давлатларда тайёрланган замонавий технологиялар, кичик заводлар бўлиб, бу уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорга ҳам экспорт қилиш имконини берапти. Яқинда ҳудудларимиздаги фермерларнинг кейинги 5-6 йиллик фаолиятини таҳлил қилиб, шунга амин бўлди. Эътибор беринг: агар 5 йил аввал фермер 1 гектар ердан ўртача 800-900 минг сўм атрофида даромад олган бўлса, бугун бу рақам 5 миллион сўмини ташкил этмоқда. Айрим фермерларимизнинг валюта ҳисоб рақамларида ҳам етарлича маблағлари бор. О'zLiDeP мавжуд шароитларни янада яхшилаш учун фермерларга ҳар

томонлама қўмакчи бўлишга интиломоқда. Бунда, шубҳасиз, Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони дастуриламалга айланди. Зеро, ушбу ҳўжат мамлакатимиздаги барча фермерлар қатори пойтахт вилоятида иш олиб бораётган, қишлоқларда янги иш ўринлари яратиб, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнаётган фермерлар фаолиятини бутунлай янги босқичга олиб чиқади. Шунинг учун ҳам фармон ижросини таъминлаш, жойларда унинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш юзасидан махсус режа ишлаб чиқдик. Ҳар бир туманда фермерлар учун ўқув-семинарлар ташкил этиляпти. Зеро, муҳим фармон ижроси таъминланишидан, энг аввало, биз — О'zLiDeP аъзолари манфаатдормиз.

Ҳақиқатан ҳам, пойтахт вилоятида фермерлар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини қишлоқ мулкдорлари эришаётган натижалардан ҳам кўриш мумкин. Бу жараёнда эса О'zLiDeP улар учун хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилаяпти. Мана, бир мисол. Яқинда О'zLiDeP Куйичирчиқ туман кенгаши Дўстобод қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги коллежини тугатган бир гуруҳ ёшларни ўз соҳалари бўйича фермер ҳўжаликларида ҳисобчи бўлиб ишлашга таклиф этди. Ёшлар эса бошқа таклифни илгари сурдилар, яъни улар фермерларга ҳуқуқий, иқтисо-

дий масалаларда ёрдам кўрсатувчи марказ очилиши таклиф этидилар. Бу тумандаги 300 га яқин фермерга ҳам маъқул келди. Шу тарихи туман кенгаши қошида фермерларга хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади.

— Ёшлар ташаббусидан жуда қувондик ва уни дарҳол амалда жорий этдик, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Эркин Турагалов. — Ҳозир коллежини тамомлаган 7 нафар ҳисобчи қиз туман фермерлари ва тадбиркорларига ҳисобчилик қилмоқда. Маълумки, бугунги ёшларнинг ҳаммаси ҳам ўқишни тугатган, қишлоқда қолгиси келавермайди. Аммо куйичирчиқлик ёшлар шу йўл билан фермерлар фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшяптилар.

— Тўғриси, О'zLiDeP томонидан эндигина коллежини тугатган ёшларга шундай шароит яратиб берилади, деб ўйламагандик, — дейди Озода Рустамова. — Аввалига номинатгина таклиф қилишяпти-да, деганлар ҳам бўлди. Бугунга келиб шаҳарга кетган айрим курсдошларим ҳам қишлоққа қайтиб, биз билан ишлашни маъқул кўришмоқда. Шахсан ўзим туманимиздаги 21 та фермер ҳўжалигини бухгалтерия ҳисоботини юри-таман. Ишлар тўлиқ компьютерлаштирилган. Давлат солиқ идорасига ҳисоботларни электрон усулда юборамиз. Банклар билан ҳам ишлашимиз осонлашиб қолган. Хуллас, ёшларнинг эркин ишлашлари учун ана шундай энгилликлар яратиб берилган. Агар коллежда ўқитганимизда бизни ишга таклиф этишган бўлишса, энди биз укаларимиз, син-

гилларимизни ишга чақираяпмиз. Бугунга келиб янги иш ўринлари очиб, фермер ва тадбиркорларга пуллик хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Режаларимиз амалга осса, ишга кириш ниятидаги тенгдошларимизни таклиф этмоқчимиз. Айни пайтда коллежнинг 10 дан ортқ битирувчисига келаси йили бирга ишлашни таклиф этдик.

## Сурхондарёда ҳосилдорлик 30 миң тоннага ошди

ТЕРМИЗ ШАҲРИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ҲОСИЛ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛДИ

Фарход ТОШБОЕВ,  
«XXI ASR»

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида мустақиллик йиллари аграр тармоқда олиб борилаётган ислохотлар қишлоқ ҳўжалигини юксалтириш, ҳосилдорликни ошириш эвазига қишлоқ аҳолисининг фаровон турмушини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани, фермерлик ҳаракати қутилган натижаларни бераётгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йилда вилоят пахтакорлари 119 миң 600 гектар

майдонда «Бухоро-102», «Наманган-77», «Султон», «Бешқаҳрамон» каби ғўза навларини парвартиришда, мўл ҳосил тўпладилар. Қишнинг қаҳратон совуғи, баҳор инжиқликлари, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳам ушшоққлик билан иш юритган фермерларнинг мардонавор меҳнати эвазига қисқа кунларда 338 миң тоннадан ортқ юқори сифатли пахта хирмони бунёд этилди. Бу ўтган йилга нисбатан ўттиз миң тонна кўп қишлоқ аҳолисининг фаровон турмушини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани, фермерлик ҳаракати қутилган натижаларни бераётгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йилда вилоят пахтакорлари 119 миң 600 гектар

майдонда «Бухоро-102», «Наманган-77», «Султон», «Бешқаҳрамон» каби ғўза навларини парвартиришда, мўл ҳосил тўпладилар. Қишнинг қаҳратон совуғи, баҳор инжиқликлари, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳам ушшоққлик билан иш юритган фермерларнинг мардонавор меҳнати эвазига қисқа кунларда 338 миң тоннадан ортқ юқори сифатли пахта хирмони бунёд этилди. Бу ўтган йилга нисбатан ўттиз миң тонна кўп қишлоқ аҳолисининг фаровон турмушини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани, фермерлик ҳаракати қутилган натижаларни бераётгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йилда вилоят пахтакорлари 119 миң 600 гектар





**НУРОБОД ТУМАНИДАГИ ПАХТАЧИЛИК ВА ҒАЛЛАЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН «Нурли Она дийёр» фермер хўжалигида 6 нафар O'zLiDeP аъзосидан иборат бошланғич ташкилот тузилди. Унга хўжалик раиси Ҳўтам Умаров бир овоздан раис этиб сайланди.**



**ХАЛҚ БАНКИ ПОП ТУМАНИ ФИЛИАЛИ ҚОШИДАГИ БПТДА «Мустаҳкам оила йили» да O'zLiDePнинг устувор вазибалари, бунда БПТларнинг ўрни ва роли» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда асосий эътибор оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига қаратилди.**



**O'ZLIDEP ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА ҲТКАЗИЛГАН**

БПТ раислари иштирокидаги навбатдаги тадбирда партиянинг Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазибалар ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуни асосида навбатдаги сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

45 (469)-сон

e-mail: azborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz


2012 йил

8

ноябрь,  
пайшанба

## Истеъмолчи манфаати — бош мезон

**«ТОШИССИҚҚУВВАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ 171 НАФАРИ ЖАМОА САФИДАН ҲРИН ОЛДИ**



Носир **ТОШЕВ**,  
«XXI ASR»

Мустақиллик ўз моҳияти-эътибори билан юртимизда туб ўзгаришлар даярини бошлаб берди. Зеро, бугун жамиятимиз учун ижтимоий-иқтисодий ислохотлар қанчалик зарур бўлса, улар ижросини таъминлаш ҳам шунчалик муҳимдир. «Тошиссиққувват» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти юқоридаги мезонлардан келиб чиқиб, ўз фаолиятига масъулият ва талабчанлик билан ёндашмоқда. Энг муҳими, хизмат сифати ва маданиятини ошириш, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш билан бир қаторда электорат аъзолари ўртасида гоёвий-сиёсий тарғиботни кучайтириш, O'zLiDeP Уставида белгиланган дастурий мақсад ҳамда вазибаларни рўйбга чиқаришга катта эътибор қаратилаётгани. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераётган.

Чиндан ҳам эндиликда корхонанинг кўп қиррали ҳаётини БПТ фаолиятинан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Ишчи-хизматчиларда изланиш ва ташаббускорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг маданий-маиший шароитини яхшилаш, жойларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш учун барча чоралар кўриломоқда. Деярли ҳар чорак-

да халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман кенгашлари депутатлари билан учрашувлар ташкил этилиб, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари юзасидан атрофича фикр юритилаяпти. Хусусан, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номи асари, шунингдек, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазибалар ижроси юзасидан ўтказилган учрашувлар, давра суҳбатлари барчада катта таассурот қолдирмоқда. Бу каби тадбирлар жамоа аъзоларининг сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишини ошириб, уларда фаол фуқаролик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилаётгани шак-шубҳасиз.

Таъкидлаш жонски, айни кунда «Тошиссиққувват» бирлашмаси тасаруфидан 1355,07 км. узунликдаги иссиқлик тармоқлари мавжуд бўлиб, шунинг 66,5 фоизи ер остидан, 33,5 фоизи эса ер устида жойлашган. Корхонанинг асосий вазибаси иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, махсус узатиш тармоқлари орқали уни жойларга етказиб бериш, бир сўз билан айтганда, истеъмолчиларни иссиқлик манбаи билан таъминлашдан иборат. Бу масъулиятли ишни амалга ошириш-

да турли участкаларда меҳнат қилаётган кўплаб O'zLiDeP аъзоларининг фаоллиги, жонкуярлиги ва ташаббускорлиги кўл келмоқда. Зеро, улар ўз касби ва бурчига содиқ, филоий инсонлардир.

— Мана, куз охирида, юртимизда қиш-қировли кунлар бошланмоқда, — дейди иссиқлик манбалари бошқармаси бошлиғи, БПТ етакчиси Носир Хожимирзаев.

### ТАНЛОВГА 130 ДАН ЗИЁД АРИЗА ТУШДИ

Авал хабар қилинганидек, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ташаббуси билан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда O'zLiDeP дастурида назарда тутилган устувор вазибалар асосида «Давлат ва жамият ҳаётининг ҳозирги босқичида мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнларининг долзарб масалалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани доирасида Ёш олимлар ва тадқиқотчилар танловини ўтказишга қарор қилинган эди. Ҳозиргача ушбу танловга олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда турли ташкилотлардан 130 дан зиёд илмий иш ва мақола келиб тушди.

Танлов ҳаёти аъзоларининг таъкидлашча, 2012 йилнинг ноябрь ойи охирида ўтказилиши режалаштирилган ушбу тадбир ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг қонунчилик базасини такомиллаштиришга оид дастурий вазибаларни белгилаб олиш, иқтидорли ёшларни партия кадрлар захирасига олиш ҳамда уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсиши учун имконият яратиш мақсадида ўтказилмоқда.

**ИЗЛАНУВЧАН, АЗМУ ШИЖОАТИ ҚАТЪИЙ, АНИҚ МАҚСАДИГА ЭГА БАРЧА ЁШЛАРНИ МАЗКУР ТАНЛОВГА ЧОРЛАЙМИЗ!**

Бу эса зиммаимизга алоҳида масъулият юклайди. Бошланғич партия ташкилоти 2012-2013 йилги қуз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ҳам фаолликни қўлдан бермаётган. Бу борада алоҳида ҳаракат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ ҳозиргача мавжуд 13 та қозонхонадан 9 таси тўлиқ таъмирланди. Айни пайтда «Қорасув», «Санотэнерго» каби йирик иссиқлик манбаларида мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Салкам 22 км. узунликдаги ер ости қувурлари янгиларига алмаштирилди, 64 та насос станцияси жорий таъмирдан чиқарилди. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, аҳоли манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда. Қолаверса, қиш лоқайдлик ва совуққонликни кечирмайди.

Корхонада ёшларнинг касб-хунар эгаллаши, ўз иқтидорини намоён этишлари учун ҳам барча шароит яратилган. Кейинги йилларда БПТ ташаббуси билан коллеж битирувчилардан 171 нафари ишга қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ижтимоий-сиёсий фаоллик жамоа ҳаётига янги-ча мазмун бахш этмоқда. Эндики асосий вазиба юрт равақи, эл фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, жойларда қонунлар ижросини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ислохотлар самарадорлигини ошириш, либерал-демократик ғояларни аҳоли онгига чуқур синдиришдан иборатдир. O'zLiDeP аъзолари — чилангар Равшан Алимўхаммедов, муҳандислар Ирина Громова, Мансур Курбанов ва бошқалар буни дилдан ҳис этиб, партиявий ҳаёт ичига чуқурроқ кириб боришга, гоёвий-тарғибот ишларини янада кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда.

## Қуйи бўгин катта мақсадлар сари интиломоқда

**КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МИРОБОД ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН 3-ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАГА АҲОЛИ НАФАҚАТ ШИФО ИСТАБ, БАЛКИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ҲАМ МУРОЖААТ ҚИЛА БОШЛАДИ. ЧУНКИ БУ ЕРДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ**

Абулфайз **САЙИДАСКАРОВ**,  
«XXI ASR»

Айни пайтда мазкур тиббий муассаса 26148 нафар аҳоли, жумладан, 5357 нафар ёш болаларга намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Малакали шифокорлар 8 та маҳалла аҳли саломатлигини асрашга хизмат қилмоқдалар. Юртимизда тиббиёт тизимини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уни замон талаблари даражасида ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар натижасида ушбу поликлиникада ҳам беморлар учун барча шароит яратилган. Айни кунларда поликлиника ходимлари муҳим бир тадбир билан банд: аҳоли орасида соғломлаштириш ҳафталиги ўтказилмоқда.

— Балоғат ёшидаги йигит-қизлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди поликлиника қошидаги БПТ етакчиси Гулнара Жабборова. — Негаки, эртанги кунимиз ёшлар саломатлиги ва, албатта, камолоти фаолиятимизда ҳам ёшлар масаласига жиддий эътибор қаратишмоқда. Аксарият тадбирларимиз, тиббий маслаҳат ва кўриклар, ёш оила ва она-бола саломатлигига доир суҳбатларни ҳам O'zLiDeP ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилмоқда. Зеро, O'zLiDeP дастурида имсон — Ўзбекистонда демократик ўзгаришларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги, партия унинг уйғун ривожланиши, манфаатларини рўйбга чиқаришнинг амалий тизимини яратиш, жамиятнинг ўзаги бўлган оилани ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, имсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, маънан ва жисмонан соғлом авлодни шакллантириш ҳамда миллат генофондини асраш масалалари учун ҳам масъул эканлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, партия тиббиётдаги янги ютуқларга таянган ҳолда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожини, оналик ва болаликни ҳимоялаш, умр узоклигини таъминлаш йўли-

да мунтазам иш олиб боришини белгилаб олган.

Таъкидлаш керакки, 3-оилавий поликлиника қошидаги БПТ аъзолари ана шу мақсадни ҳаётга татбиқ этиш, аҳоли саломатлигини муҳофазат қилиш, ёш авлодининг баркамол инсон бўлиб воғта этишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

109 нафар ходим иш олиб бораётган жамоада 37 нафар олий тоифали врач, 69 нафар ҳамшира миқдорликларга беминнат хизмат қилаяпти. Улар орасида эса ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Маълумки, ҳар қандай эзгу ишга кўл урган кишига доимо кўмакчи керак. Шу маънода БПТ поликлиника ходимлари учун ижтимоий-сиёсий масалаларда ҳам кўмакчилик қилаяпти. Яқинда ушбу БПТ туман миқёсида ўтказилган танловда «Энг намунали БПТ» дея эътироф этилди.


— Бу, шубҳасиз, зиммаимизга катта масъулият юклайди, — дейди БПТ етакчиси. — Айни пайтда тумандаги бошқа қуйи ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бундай мулоқотлар ўзаро тажриба алмашиш имконини ҳам бермоқда. Айниқса, O'zLiDeP Миробод туман кенгаши масъулларининг маслаҳат ва тавсияларига амал қилаётганимиз яхши натижа бераяпти.

БПТ фаоллари орасида ёшларга иборат ва намуна бўлаётган маслакдошлар ҳам кўпчилигини ташкил этади. O'zLiDeP Миробод туман кенгаши аъзоси, деярли 40 йилдан буён элга беминнат хизмат қилаётган ҳамшира Гавҳар Айбутаева шулар жумласидан.

— Ҳозирги давр партия аъзолари зиммасига катта масъулият юкламоқда, — дейди Гавҳар опа. — Айниқса, соҳага оид қонунларимиз такомиллашиб бораётган бир пайтда оддий кузатувчи бўлмай, улар ижросини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Партия фаоллари, депутатларимиз томонидан муҳокамага киритилаётган масалаларга муносабат билдириш ва партиявий топириқларга жиддий ёндашув барча маслакдошларимиз учун муҳим вазибига айланиши лозим, деб уйлайман. Энг асосийси, бундай ҳаракатлар юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, эл-юрт фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини доимо ёдда тутишимиз даркор.

## ХАБАРЛАР

### ЯНГИ КОРХОНАНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ



Қорақалпоғистонда улкан индустриал салоҳиятга эга янги енгил санот корхонаси — Хўжайли туманидаги «Elite stars textile» масъулияти чекланган жамияти ўз махсулотини истеъмолчиларга етказиб бера бошлади. У йилига 5000 тонна сифатли ип-калавас ишлаб чиқаради. Айни кунда жаҳон бозорида бу махсулотга тобора талаб кучайиб бормоқда.


— «Elite stars textile»да 130 киши доимий иш билан банд, — дейди O'zLiDeP Хўжайли туман кенгаши раиси Пўлат Тўремуратов. — Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, ишга қабул қилинганлардан 95 нафарини касб-хунар коллежларининг битирувчилари ташкил этади.

### «БИНУРАГРО»НИНГ ТОТЛИ ТУРШАГИ

Хоразм — қанддан ширин мевалар маскани. Ҳазорасп олмаси, Урганч анжири, Янгибозор узуми билан шуҳрат топган бўлса, Богот ажойиб ўриклари билан ном қозongan. Эндиликда Богот ўригининг таъмини олиш ва яқин хорижда ҳам яхши билишади. Тумандаги «Бинурагро» масъулияти чекланган жамияти замонавий дастгоҳларда ўрик, олма ва бошқа ҳўл меваларни қуритиб, истеъмол бозорига жўнатмоқда.

— Дехқонбозор қишлоғи азал-азалдан беҳиз бу номни олган эмас, — дейди МҲЖ раҳбари Иброҳим Эгамов. — Бир неча асрдан буён бу ерда ўрик бозори бўлган. Биз шу анъанани қайта тиклашга эришдик. «Мустаҳкам оила йили»нинг ўтган даврида истеъмолчиларимизга 10 тоннага яқин қуритилган ўрик жўнатдик. Олма қоқига ҳам эҳтиж кучли. Бугун истеъмол бозоридан юқори талабга эга шарбатларни тайёрловчи корхоналар қуритилган олмамизни мамнуният билан харид қилмоқдалар.

Янгибой ҚҲҚОРОВ тайёрлади.



Барак **ОБАМА**  
ўз ўрнида қолди

Обама овоз беришга иккиланаётган Огайо, Флорида, Виржиния ва Орегона штатларида ҳам сайловчиларнинг 67 та овозини тўплашга эришди.

7 саҳифада ўқинг

# ИҚТИСОДИЁТ

## Мижозларнинг ишончли кўмакчиси



МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИДА 1994 ЙИЛДАН БУЁН САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛАЁТГАН «ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-БИРЖА БАНКИ ХИЗМАТ СИФАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИБ, ЎЗ МАВҚЕИНИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Акбар МУЗАФФАРОВ, «XXI ASR»

Иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 162 млрд. сўмга етганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Энг муҳими, кейинги йилларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қисқа вақт орасида оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни йўлга қўйиш учун жами 411 млн. сўм маблағ ажратилди. Қўллаб-қувватлов бу имкониятдан фойдаланиб, айна кунда ўз режа ва мақсадларини амалга оширолмайдиган «Трастбанк» бу борада ҳам етакчилардан саналади, десак адашмаймиз.

— Кўпдан бери ҳўл мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини минн технология асосида қайта ишлаб, консерва неъматлари тайёрлаш ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишни орзу қилардим, — дейди «Фаворит-барака боғи» хусусий корхонаси раҳбари Яхё Пулатов. — Ишни бошлаш учун бошланғич капитал керак эди. Шу мақсадда «Трастбанк» ХОАББ Тошкент филиалига мурожаат қилдим. Банк мутасаддилари бизнес лойиҳам билан танишиб чиқиб, менга 160 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Сармоёлардан оқилана фойдаланиш натижасида ишлаб чиқаришни самарали йўлга қўйди. Бугунги кунда маҳсулотларимиз тури кўпайиб, оилавий даромадимиз ҳам ортмоқда.

Банк фаолиятига оид бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг асосийси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилётган истиқболли кредитлар мамлакатимиз ички истеъмол бозорини сифатли, арзон маҳсулотлар билан тўлдириб, аҳоли талаб-эҳтиёжларини

қондиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Дейлик, Термиз шаҳридаги «Фаровон-файз» хусусий корхонаси банкдан олинган 150 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига Россиянинг «Кедр» компаниясидан мебельбоп ёғочга ишлов берадиган дастгоҳ харид қилиш имкониятига эга бўлди. Бунинг натижасида маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати ошди.

«Трастбанк» ХОАББ миқозлар манфаатини ҳисобга олиб, мамлакатимиз ҳудудидида ўз тармоқларини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизда унинг «Яккасарой», Самарқанд шаҳрида «Самарқанд» филиаллари иш бошлаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Банк универсаллигини ошириш учун янги, замонавий хизматлар қўламини кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг учинчи чорагида жисмоний шахслар учун «Интернет-банк» тизими жорий этилди. Ушбу хизмат тури ўзининг қўлайлиги билан кўпчиликка маъқул бўлаётган. Зеро, мазкур тизим орқали миқоз ўз ҳисоб рақамини дунёнинг исталган нуқтасидан туриб бошқариш имкониятига эгадир.

Бир сўз билан айтганда, «Трастбанк» хусусий очик акциядорлик-биржа банки сармоёлари юрт раънақи, эл фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда. Банкнинг молиявий мавқеини мустаҳкамлаш, пул-кредит сисъатини такомиллаштириш, иқтисодийнинг муҳим тармоқлари, энг аввало, хусусий секторни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар сафини янада кенгайтириш навбатда турган муҳим вазифалардандир. Шу мақсадда барча имкониятлар ишта солинмоқда.

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИХА ҲАМДА ФОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси хузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа хужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа хужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.

Танлов куйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган санаят корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгиллаш.

Танловга инвестицион жойбадорликка ва санаят соҳасида таъбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий ҳомаёш ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа хужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим: Арiza (намунга бўйича); Инвестиция таклифи (намунга бўйича); Инвестиция таклифи паспорти (намунга бўйича); Батафил маълумот учун: Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08; Web-site: www.fpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мулжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

#### 1-илова Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БУОРТМАНОМА

- 1. (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. (тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. (Ф.И.О., алоҳа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)
4. Буортманомга куйидаги хужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлигига қафолат бераман. Ташкилот раҳбари (имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

#### 2-илова Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

- 1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Нетижасида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари; охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар потенциалли.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишининг прогнозидаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан қўтилаётган натижалар: қўтилаётган йиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

#### 3-илова Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ (лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг. долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қоплаш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			

## Эришилган натижалар чегара эмас

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА БАНК-МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ



XALQ BANKI

Негаки, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш пул-кредит сисъати билан чамбарчас боғлиқдир. Давлат-тижорат «Халқ банки»нинг Сирдарё вилоят филиали ҳам юқоридидаги талаблардан келиб чиқиб, миқозлар ишончини қозонишга, уларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Агар 2011 йилнинг 1 октябрида банк кредит портфели 50 миллиард 854 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг айна даврига келиб ушбу кўрсаткич 59 миллиард 951 миллион сўмга етди. Банк томонидан, хусусан, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жойларда миқозлар сафи кенгайиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Жорий йилнинг октябр ойига оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларида бошланғич сармоёни шакллантириш учун 407 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Ана шундай имкониятга эга бўлиб, рўзгорини бут, эл дастурхонини

тўқин қилаётганлардан бири Сирдарё шаҳрида яшовчи Анвар Мамедовдир. — Биз асосан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз, — дейди у. — Фаолиятимизни йўлга қўйиш ва янада кенгайтиришда давлат-тижорат «Халқ банки» Сирдарё вилоят филиалининг алоҳида ўрни бор. Ажратилган 25 миллион сўм кредит маблағи зарур эҳтиёжлар йўлида сарфланмоқда. Тўғриси, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, бундай натижаларга эришамиз, деб ўйламаганим. Келгусида банк билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Шуни айтиш мумкинки, банк филиали хизматида сирдарёлик тадбиркор аёллар ҳам беҳад мамнун. Чунки уларнинг талаб-эҳтиёжларига алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Дейлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятидаги хотин-қизларга ўтган йилнинг 1 октябрига 1 миллиард 299 миллион сўм миқдорда кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг айна даврида ушбу кўрсаткич 1 миллиард 674 миллион сўмни ташкил этди.

— Янги бизнес лойиҳамизни амалга оширишда «Халқ банки» билан ҳамкорлик қилиб, тўғри йўл тутган эканмиз, — дейди Ховос туманидаги «Чевар Мафтуна нафис» шўъба корхонаси раҳбари Баҳодир Уролов. — Бизнес лойиҳамизга келсак, биз асосан болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришни кўзда тутганмиз. Чунки

мамлакатимиз ички истеъмол бозорига ушбу маҳсулотларга эҳтиёж катта. Йилга 400 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий ускуналарни сотиб олишимизда давлат-тижорат «Халқ банки» Сирдарё вилоят филиали яқиндан ёрдам кўрсатди, тўғриси, ажратилган 210 миллион сўм миқдордаги кредит маблағи жуда қўл келди. Корхона тўла қувват билан фойдаланишга топширилди. 110 дан ортик киши доимий иш билан таъминланиш шубҳасиз.

Маълумки, бугунги кунда иқтисодий соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, оилалар турмуш фаровонлигини ошириш асосий вазифалардан биридир. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида филиал жамоаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига салкам 16,5 миллиард сўм миқдорда кредит маблағи ажратилганлиги ҳам бежиз эмас. Натижада 620 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Хусусан, тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳалари молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2009 йил 28 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу

асосда тадбиркорлик субъектларига 1 миллиард 962 миллион, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун 1 миллиард 989 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилганлиги тўғрисида жойларда 180 га яқин янги иш ўринлари ташкил этилди.

Энг муҳими, банк сармоёлари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий технологиялар харид қилиш, жойларда маҳсулот турларини кўпайтириш каби аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги барчамизни қувонтиради. Шу ҳисобдан миқозларга кўрсатилаётган хизмат қамрови ҳам кенгайиб кетди. Ҳозир вилоятда давлат-тижорат «Халқ банки»нинг 7 та минн банки, 35 та шохобчаси, 19 та махсус касаси фаолият кўрсатаётган. 71043 та пластик карточка муомалаларга чиқарилгани, вилоят ҳудудидида 824 та ҳисобкитоб терминали ўрнатилгани, 91 та пайнет шохобчаси, 20 та «Омал-лотто» телеуйини шохобчаси ишлаб тургани ҳам банкнинг аҳоли ишончини қозонаётганлигини далил қилиб келди.

Хулоса қилиб айтганда, «Халқ банки» вилоят филиали жамоаси аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан фаолият юритиб, янгидан-янги ютуқларга эришмоқда. Пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш йўлидаги изланишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Зеро, давр билан ҳамқадам бўлиш, миқозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини ошириш жамоа аъзоларининг эзгу мақсадиридир.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Катта йўл

**БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ (UNWTO) ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, 2000-ЙИЛЛАР БОШЛАРИДА ТУРИЗМ ЖАҲОН МИҚЁСИДА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА АВТОМОБИЛСОЗЛИК, КИМЁ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ, БИРИНЧИ ЎРИНГА КЎТАРИЛИБ ОЛДИ**

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**  
«XXI ASR»

Маълумки, антик даврда аҳолининг савдо-сотиқ билан шуғулланиши, таълим олиши, муқаддас жойларни зиёрат қилиши, қадимги Греция Олимпия уйинларида иштирок этиш мақсадида ўз юртидан йироқ жойларга сафар уюштириши натижасида вужудга келган бу соҳа ўрта асрларга келиб, айниқса, Осиёда шаҳарсозликнинг ривожланишига, жумладан, карвонсаройлар, мадрасалар, бозорлар ва йўлларнинг қурилишига сабаб бўлди.

XX асрнинг 20-30-йилларига келиб эса туризм халқаро муносабатларини тинчлик йўли билан ҳал этиш объектига айланди. Хусусан, БМТ ташкил этилгунга қадар жаҳонда вужудга келган ҳарбий ҳолатларни тўхтатиш, давлатлар хавфсизлигини таъминлаш каби вазифаларни бажарган Миллатлар Лигасининг Туризм ташкилотлари халқаро иттифоқига «халқаро туризм», «турист» каби аталарга аниқлик киритиш, туризмни йўналишларга бўлган ҳолда ўрғаниб, ундан дипломатик восита сифатида фойдаланиш юзасидан тавсиялар берган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тарихий қадамжолар ва дам олиш объектига эга бўлган давлатлар оммавий туризмни ривожлантиришга, шаҳарларда кўнгилочар масканлар ва меҳмонхоналарни қуришга эътибор қарата бошладилар. Шу тариқа ўнлаб мамлакатлар туризмни кўп тармоқли, аҳолининг асосий қисmini иш билан таъминлайдиган йирик sanoat турига айлантирдилар.

Эътиборлиси, 2000-йиллардан бошлаб туризм бутун дунёда иқтисодиётнинг энг катта даромад келтирадиган, асосийси, барқарор ривожланиб бораётган тармоқларидан бири сифатида эътироф этила бошланди. Таъминчиларнинг таъкидлашича, бир йиллик пул айланмаси 900 млрд. АҚШ долларига етган халқаро туризм соҳаси айти пайтда дунё бўйича банд бўлганларнинг 8 фоизини (195 млн. киши) иш билан таъминлаб турибди.

Ўз навбатида UNWTO ҳисоботларида кайд этилишича, у ёки бу мамлакатта ташриф буюраётган сайёҳлар сони ҳар йили 4-5 фоизга ортаётди. Хусусан, 2010 йилда 935 млн. киши дунё бўйлаб сайру саёҳат қилган бўлса, 2012 йил охиригача бу кўрсаткичнинг 1 миллиарддан ошishi кўтилмоқда.

— Халқаро майдонда нисбатан мураккаб вазият юзага келганига қарамай, 2011 йилда туризм соҳасида рекорд кўрсаткичлар қайд этилди, — дейди Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош қотиби Толиб Рифойи. — Жумладан, жаҳон ЯИМнинг 5 фоизини ташкил этаётган, дунё миқёсида у ёки бу тармоқда меҳнат қилаётганларнинг ҳар 12 нафар кишидан бири иш билан таъминлаётган ушбу соҳанинг йиллик даромади 2010 йилда 928 миллион долларни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1,030 млрд. долларга етди. Муҳими, соҳа ва унинг инфратузилмаси бутун дунё иқтисодиёти оғир кунларни бошдан кечираётган даврда, аксарият мамлакатларда янги иш ўринларига эҳтиёж сезилган бир пайтда ривожланмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоиз: ўтган йили айрим мамлакатларда рўй берган ноинчликлар, Японияни қийин аҳволга солиб қўйган зилзила ва сунами халқаро туризм географиясининг ўзгаришига сабаб бўлди. Масалан, илгари Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларига боришни режалаштирган 5-6 миллион нафар сайёҳ ҳозирда Европанинг Ўртаер денгизи ва Скандинавиядаги туристик йўналишларини танлади. Натижада кўҳна қитъанинг диққатга сазовор масканларини қўришни хоҳловчилар сони 6 фоизга кўпайиб, жами 500 миллиондан ошиб кетди. Кунчиқар юртда содир бўлган табиий офатдан сўнг

эса Шимоли-Шарқий Осиё (+2,5 фоиз) ва Океания (+0,5 фоиз) туризм бозорига «тормозланиш» рўй берган пайтда Жанубий (Ҳиндистон, Малайзия, Шри-Ланка) ва Жануби-Шарқий Осиё (Таиланд, Гонконг, Вьетнам) мамлакатларида, аксинча, 9-10 фоиз ўсиш қайд этилди.

Африкада ҳам шунга ўхшаш ҳолат юзага келди. Жумладан, Саҳрои Кабир жанубида жойлашган қўриқхона ва миллий боғларга ташриф буюрганлар сони 7 фоизга ортаган бўлса, Шимолий Африкада (Тунис, Миср, Ливия) дам олмоқчи бўлганлар 12 фоизга камайиб кетди.

Шу ўринда минглаб туроператорлар қатор иқтисодий тўсиқларни бартараф этган ҳолда аҳоли ўртасида сайру саёҳатларга бўлган хоҳиш ва эҳтиёжни оширишга ҳаракат қилаётган бир пайтда UNWTO мамлакат ҳукуматларини соҳага оид расмийликларни йўқотиш, ҳужжатлар расмийлаштирилишини осонлаштириш, шунингдек, ахборот ва коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга чақираётганини айтиш жоиз.

— Дарҳақиқат, бугунги кунда аксарият мамлакат ҳукуматлари ички молиявий имкониятлари бўлмагани боис иқтисодиётни бошқа йўллар билан кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар. Менимча, туризм соҳасидаги расмийликларни энгиллаштирган давлатларнинг ана шу мақсадга эришишлари осон кечади. Зеро, кўп ҳолларда ана шу муаммолар туфайли сайёҳлар ўзлари хоҳлаган жойларни зиёрат қила олмаптилар. Табиийки, бу ҳолатда мамлакатга кириши мумкин бўлган валюта оқими камаяди, — дейди жаноб Рифойи.

Шу ўринда, биринчи навбатда, аҳолининг ҳордиқ чикириши, жисмон ва руҳан дам олиши учун ташкил этиладиган саёҳатлар бир неча йўналишларга бўлинган ҳолда ҳаётга таъбиқ этилаётгани ва ўрғанилаётганини таъкидлаш мумкин. Масалан, туроператорлар миқозларга таълим ва табиёт туризми, экотуризм, фототуризм, агротуризм каби хизматлардан ташқари уларнинг диний, хайрия, спорт мусобақалари ҳамда маданий-марийфий тадбирларида иштирок этишини таъминламоқдалар. Кейинги йилларда эса айрим сайёҳлик фирмалари йирик авиакомпаниялар билан биргаликда хоҳловчиларни фазога олиб чиқишни ҳам таклиф эта бошладилар.

Аҳамиятлиси, 2001 йилда фазога кўтариладиган биринчи сайёҳ — Деннис Тито ана шу лойиҳа учун 20 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағини сарфлаган бўлса, яқинда сингапурлик тадбиркор коинотга уюштирилган оилавий саёҳати учун 1 миллион доллар тўлашга қарор қилди.


Маълумотларга кўра, ўз исмини ошқор қилишни хоҳламаган тадбиркор парвозни британиялик миллиардер Ричард Бренсон томонидан ташкил этилган «Virgin Galactic» компаниясининг SpaceShipTwo фазо кемаси бортида амалга оширади.

Эътиборли томони шундаки, атмосфера ва коинот чегараси ҳисобланган 100 километрлик баландиликка кўтариладиган мазкур фазо кемаси 20 километрлик нуқтагача «WhatKnightTwo» номли махсус юк самолётида олиб чиқилади. Шу боис сайёҳлар 2 соатлик суборбитал парвоз давомида фақат 5 дақиқа вазнсизлик ҳолатига тушадилар.

— Агар сингапурлик тадбиркор, шунингдек, унинг рафиқаси ҳамда икки нафар фарзанди иштирокидаги парвоз амалга оширилса, улар фазога саёҳат қилган биринчи оила сифатида тарихда қоладилар, — дейди «Virgin Galactic» компанияси тижорат директори Стефан Атенборо.

Маълум бўлишича, дастлабки парвозни 2015 йилда амалга оширадиган «Virgin Galactic» шу кунга қадар тахминан 200 нафар талабгордан фазовий саёҳатлар учун тўловлар олган.

Гарчи сўнгги йилларда аҳоли ўртасида туризмнинг шунга ўхшаш ан-



тиқа турлари оммалашаётган бўлса, тан олиш жоиз, бугунги кун сайёҳининг Ниагара шаршараси, Катта Тўсиқли риф, Амазонка дарёсининг қуйи оқими, шунингдек, Миср эҳромлари, Буюк Хитой девори, Пиза минораси каби табиий ва тарихий масканларга бўлган қизиқиши ортса ортмоқдаки, асло сўнмапти.

Халқаро туризмнинг бугунги аҳволи, унинг ривож ва келажак тўғрисида сўз юритар эканмиз, ана шу соҳада Ўзбекистоннинг тугган ўрни ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Зеро, айти кунда UNWTO таъкидлаган ўрин олган йирик тадбир — XVIII Тошкент халқаро туризм ярмаркаси мезбонлик қилган, истиқлол шарофати билан Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон каби илм, маданият ва маърифат марказлари жойлашган муътабар замин, Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино, Бобурдек буюк саркарда ва уламолар, машҳур давлат арбоблари ҳамда мутафаккирлар киндик қони тўқилган она-Ватанимиз жаҳоннинг сайёҳлик соҳаси тараққий этган мамлакатларидан бирига айланди, десак муболага бўлмайди.

Тан олиш жоиз: мустақиллик йилларида Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўзига хос туристик салоҳиятга эга бўлган мамлакатимизда қадимий ёдгорликларни реконструкция қилиш, маҳаллий туроператорларни қўллаб-қувватлаб, уларга ўз фаолиятларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жойларда соҳага оид инфратузилмани барпо этиш, шунингдек, туризмнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилдики, натижада Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимиз сон-саноксиз осори-атиқалари, урф-одатлари миллий таомлари, бетаҳрор табиатини бутун дунёга намойён қилиш имкониятига эга бўлди. Бу эса бой тарихга эга юрт ва замон билан ҳамнафас яшаётган мамлакат сифатида эътироф этилувчи Ўзбекистонни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлган сайёҳлар сонининг йилдан йилга ортиб боришига хизмат қилаяпти.

Хусусан, 90-йилларда мамлакатимизга 1 йилда атиги 150 минг сайёҳ ташриф буюрган бўлса, айти пайтда бу кўрсаткич 1,2 миллион нафардан ортди.

— Бундай натижаларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Бинобарин,

кейинги йилларда қадимий шаҳарларимизда замонавий меҳмонхоналар қурилиб, сайёҳларнинг имкони борица кўпроқ туристик объектларни томоша қилишлари учун барча қулайликлар яратилгани, «Евро-4» талабларига жавоб берадиган автобуслар, «Boeing-767», «A310», «A320» русумли ҳаво лайнерлари, «Afrosiyob» тезуор поездлари қатновининг йўлга қўйилгани сабаб бўлмоқда, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси ўринбосари Анавар Темірходжаев. — Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жалаллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2015 йилга қадар Ўзбек миллий автомагистрალი ёқасида 240 та йўл инфратузилмаси объекти, жумладан, 19 та кемпинг, 18 та мотель типидagi меҳмонхона, 36 та ёнил қуйиш шохоб-

часи, 49 та автогаз тўлдирувчи компрессорли станция, 78 та авария-қақирув ва тез тиббий ёрдам хизмати пункти, 31 та автомобилларни қисқа вақтга қўйиш майдонлари, шунингдек, туризм соҳасининг барча талабларига жавоб берадиган 9 та иншоот қуриладиган бўлди.

Маълумки, халқаро туризм бозорига маҳсулотнинг рақобатбардошлилиги туристик брэнд ва уни тарғиботлаштириш қилиш усулларида боғлиқ. Сир эмас, Ўзбекистон учун «Буюк ипак йўли» асосий брэнд сифатида қабул қилинган. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган Буюк ипак йўли эса ҳам тарихий, ҳам географик, ҳам маданий ва ҳам иқтисодий ресурс сифатида кўпчилик сайёҳларнинг диққат-эътиборини жалб қилаётгани бежиз эмас. Зеро, дунёнинг йирик динларидан бири — буддизм Хитой ва Японияга айнан Марказий Осиё орқали ўтгани, ипак ва қозони тайёрлаш техно-

логияси айнан Буюк ипак йўли билан юртимизга келгани фикримизга мисол бўла олади.

Айнан UNWTO бошчилигида, шунингдек, «Ўзбектуризм» қошида тузилган «Буюк ипак йўли» реклама агентлиги ташаббуси билан пойтахтимизда ҳар йили ўтказиладиган Тошкент халқаро туристик ярмаркаси эса соҳа вакилларига мазкур брэндни янада такомиллаштириш имконини берди, десак муболага бўлмайди. 1995 йилдан буён ўтказиладиган мазкур кўргазма майдонининг сўнгги тўрт йилда қарий 2 баробар кенгайгани, экспонатлар сони 3 мартага кўпайгани эса кўргазмага қизиқиш ортаётганини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, айти кунда халқаро туризм ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини мустаҳкамлай оладиган кўп тармоқли, йирик sanoat тури кўринишидаги манбага айланди.

## ХАБАРЛАР

### БАРАК ОБАМА ЎЗ ЎРИНДА ҚОЛДИ

АҚШ телеканаллари тарқатган хабарларга қараганда, мамлакатнинг амалдаги президенти Барак Обама иккинчи мuddатта президент лавозимига сайланди. Айти дамда Обама сайловчиларнинг 275 та овозига эга бўлган. Унинг рақиби Митт Ромни эса 203 та овоз тўплаган.

Маълумотларга кўра, Обама овоз беришга иккиланаётган Огайо, Флорида, Виржиния ва Орегон штатларида ҳам сайловчиларнинг 67 та овозига эга бўлган ҳолда ғалаба қозонган.

### 1 ТА БАҚДАЖОН 54 КГ., 1 ТА ГУЛКАРАМ ЭСА 36 КГ. ТОШ БОСДИ

Буюк Британиянинг Харрогейт шаҳарчасида ҳар йили ўтказиладиган баҳайбат гуллар ва сабзавотлар кузги кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда шаҳарнинг турли бурчакларидан фермерлар қатнашиб, ўзлари етиштирган баҳайбат сабзавотлари билан иштирокчиларни ҳайратга солдилар. Хусусан, Ньюарк шаҳрида яшовчи Питер Глейзбрук томонидан етиштирилган, оғирлиги 54 килограмм келадиган бақдажон, 8 килограммлик пизё, 36 килограммлик гулкарим кўргазманинг қатор совринлари билан тақдирланган. Шунингдек, турли катталиқ ва рангдаги гуллар ҳамда сабзавотлар уйғунлигида яратилган махсус девор тахтаси ҳам барчанинг эътиборини ўзига тортиди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

### ЯНА 3,8 МИНГ КИШИ ИШСИЗ

Хабарларга қараганда, Япониянинг номдор «Sony» компанияси мутасаддилари 3,8 минг иш ўрни қисқартирилишини маълум қилдилар. Ўз фаолиятини 1946 йилда бошлаган мазкур нуфузли корхона, шунингдек, мамлакатдаги фотообъективлар ва мобил телефонлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган заводини ҳам ёпишни режалаштирмоқда. Экспертларнинг айтишича, 2013 йилнинг март ойига қадар «Sony» концерни 10 минг иш ўринини қисқартиради. Мазкур чора орқали компания ҳар йили 30 миллиард иена миқдордаги маблағни тежаси кўзламоқда.

### ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ

Нидерландиянинг Зютфен ва Утрехт шаҳарларида велосипедлар ҳаракати учун алоҳида йўллар қурила бошланди. Бу йўлларнинг аҳамияти шундаки, улар кишининг энг совуқ ҳароратда ҳам музламайди. Маълумки, голландияликлар велосипедда учини жуда хуш кўришади. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур янги йўллар ноқулай об-ҳаво шароитида велотранспортдан фойдаланувчилар ўртасида юзага келадиган ҳалокатларни камайитиришга хизмат қилади.

# СЎНГГИ САҲИФА

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ДИККАТИГА!

Сиз 2013 йилда нисбат чикарган мақсулотингиз ва хизмат кўрсатиш турлари ҳақида 100 минг мажбурга бепул маълумот партиянинг истаёсанми?  
Хар қандай тадбиркор инсоннинг бу саволга ҳа, деган жавоб қайтарганига ишонамиз.  
Унда (8-371) 215-60-45, 215-63-80, 281-40-17 телефонларига мурожаат қилинг!

УНУТМАНГ, УШБУ АКЦИЯ ФАҚАТ 25 ДЕКАБРГАЧА АМАЛ ҚИЛАДИ.

## НОВО-ПАССИТ

Табиий тинчлантирувчи восита



Мы делаем здоровье доступным  
во всем мире

ҲАЁТИНГИЗГА ХОТИРЖАМЛИК  
ОЛИБ КЕЛАДИ!

## Йодомарин®

Море всегда  
с тобой!



- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 100 - содержит калия йода 101 мг (что соответствует 100 мг йода). Йодомарин® 200 - содержит калия йодид 202 мг (что соответствует 200 мг йода).  
Показания: Профилактика йоддефицитных заболеваний (для профилактики йоддефицитных заболеваний и связанных с ними заболеваний в районах с дефицитом йода в окружающей среде в первую очередь у детей, подростков, беременных и кормящих женщин).  
Лечение диффузного токсического зоба.  
Дозировка и профилактическая доза: беременные и дети - 50-100 мг в сутки, подростки и взрослые - 100-200 мг в сутки, период беременности и кормления грудью - 200 мг в сутки (прибавая по поводу зоба или после окончания беременности по 100 мг калия йодид в сутки); период лактации - 100-200 мг.  
Противопоказания: при манифестном гипотиреозе; при латентном гипотиреозе в дозах, превышающих 100 мг йода в сутки; при аутоиммунной болезни щитовидной железы; при врожденном гипотиреозе; при беременности с целью профилактики врожденного зоба; при недостаточности функции щитовидной железы при приеме комбинированных оральных контрацептивов (при приеме йода в дозах, превышающих 200 до 300 мг в сутки); при наличии заболеваний щитовидной железы (гипертиреоз, йодомарин® - запрещено 100, 200 мг No. 100 в упаковке).

Б-390-96 и 14003, 28.02.08. Б-390-96 и 16001, 28.02.08.

BERLIN - CHEMIE  
MENARINI

товар сертифицирован

**XASR**  
ЎТЎМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА



ТАХИРИЙ ҲАЙАТИ: Муҳаммадсўф ТЕШАБОВ, Абдурашид Жўрабобов, Алишер Шайхов, Бахтиёр Якубов, Бақодир Ғаниев, Зиёдулла Убайдуллаев, Илхом Насриев, Муллиса Акрамова, Рашид Охинов, Шухрат Нуритов, Шухрат Орипов, Эркин Тошев, Қим Назаров.  
ТАХИРИЙ: Озод Ражабов, Марк Юсупов, Зумрад Аборובה, Шахзод Назаров, Сайфулла Икромов, Асқор Истамов, Темур Абдурахмонов, Тоҳир Мирходиев, Носир Тошев, Шухрат Охунжонов.  
БОШ МУҲАРИР: Миродил Абдурахмонов МАТН ТЕРУВИ: Раъно Абдуалимова.  
БЎЛИМЛАР: Котибиат - 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими - 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими - 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими - 215-60-45, Ешлар ва аёллар масалалари бўлими - 254-03-79, Реклама ва шарномалар бўлими - 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона 215-63-80 (тел./факс).  
ТАХИРИЙТ МАНБИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI\_ASR@yahoo.com, XXI\_ASR@mail.ru.  
Ф-XXI ASR'дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилган шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.  
«Ўзбекистон» НММУ Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар  
ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
«XXI ASR» иқтисодий сўбсий газетаси Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда  
0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
Буғрифта рақам: J 5687 Тираж: 12 675  
Бакоси келтирилган нархда.  
Тошчирида - 20'00

ISSN 2181-477X



7 772181 477007

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI  
— O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK  
PARTIYASI NASHRI

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Нашричлар:  
Н.ТОШЕВ, С.ЗОИРОВ.